

«Россия мусулмонларининг диний мероси» III халқаро форум ўтказилади



10:18 / 18.10.2021 1714

Жорий йилнинг 25-31 октябр кунлари Татаристондаги Болгар ислом академияси Ислом маданиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида «Россия мусулмонларининг диний мероси» 1100 йиллигига бағишланган III халқаро форумини ўтказилади.

Ушбу халқаро форумда илоҳиётшунослар, исломшунослар, диншунослар, тарихчилар, илмий ва таълим ташкилотлари вакиллари, дин ва жамоат арбоблари, ўқитувчилар ҳамда университет талабалари иштирок этади.

Тадбирда ислом тафаккурининг ривожланишидаги анъаналар ва замонавий тенденциялар, Россияда ислом тарихи, ислом маданияти ва санъати, ўлкадаги халқларнинг мусулмон меросини ўрганиши, ёшлар

ташаббуси ва миллатлараро ҳамда конфессиялараро мустаҳкамлаш амалиёти муҳокама қилинади.

Форум доирасида «Россия мусулмонларининг меросини асраш ва ўрганиш масалалари», «Халқаро болгар ўқишлари», «Халқаро илмий-амалий конференцияси»ни ўтказиш режалаштирилган.